

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги Малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (төмір үйл транспорт) магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар	7
2.2.	Касбий компетециялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув вараги.....	10

1. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаши, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва транспорт тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисоби фаолиятни ташкил этиши ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиши, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобини таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўнукмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуслари, методлари ва услубларининг мажмуасини камраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшишмча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

1.2.2. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- реал сектор шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарининг ривожланиш стратегиясини ифодаловчи бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлар тизими;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- иқтисодиётнинг тармоклари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциялар, коорпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида бухгалтерия ҳисоби фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- бухгалтерия ҳисоби соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва ходисаларни, мирко ва макро иқтисодий маконда бухгалтерия, молия ва статистик ҳисоби кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшишмча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

1.2.3. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иктисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшишмча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

1.2.4. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувоғик магистратура битирувчиси кўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил килиш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;

- илмий маколалар, маъruzалар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шархларни ишлаб чикиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойихаларни ишлаб чикиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чикиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иктисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини хавфсиз бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳукукий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- бухгалтерия ҳисобининг микдор ва сифат меъзонлари иктиносий тизим ва обьектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;
- бухгалтерия ҳисоби соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чикиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбик этиш;
- иктиносидёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чикиш;
- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иктиносий жараёнлар ҳамда ходисаларни тавсифлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш, бухгалтерия ҳисобига таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарда ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиши фаолиятида:

- ишлаб чиқариши ташкил этиш ва бошқариш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарда ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб бориши ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйини;
- хўжалик юритувчи субъектида бухгалтерия ҳисоби фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услугубий кўрсатмалар, ҳукукий ҳамда меъёрий-ҳукукий хужжатлар;

- режа, хисоб-китоб хужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, бухгалтерия хисоби соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиrolар бўйича иқтисодий самарадорликни аниклаш;
- қабул қилинадиган карорларни бухгалтерия хисоби, ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини хисобга олган ҳолда бошқарув карорлари варианtlарини ишлаб чиқишида ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган хужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик хисоботни олиб боришни ташкил этиш, хисоботларни тузиш тартибларини аниклаш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш режалаштириш ва амалга ошириш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш, бухгалтерия хисобини таъминлаш, бажарилётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбик этиш.

2. 70410101 – Бухгалтерия ҳисоби (темир йўл транспорти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқикот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлани ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул кила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишланинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнинмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқикотлар олиб бориш, тажриба натижаларини кайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий маколалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўнинмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўнинмаларига эга бўлиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарда ташкилий тузилмасини оптималаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил килиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бухгалтерия хисоби тамойилларини қўллай билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- лойихаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик хисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарида бухгалтерия хисобини юритиш, таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқикотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарида молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, бухгалтерия хисоби соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишни билиш;
- лойихаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши,kasbий фаолият обьекти, каасбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўкув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ижтимоий-иктисодий жараёнлар, таваккалчилик, ракобат, ракобатбардошлиқ, иктисиёд тармоклари ва соҳалари, темир йўл транспорти, хукуктартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бухгалтерия хисоби, экспертиза, иктисиодий жиноятлар, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов



М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов



М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси


Бошқарма
бошчилиги  А.Хамролиев

М.Ў.



Тошкент молия институти

Ректор

 Т.Тешабаев

202 йил «_____»

М.Ў.

